

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларда ишларни автоматик
тарзда тақсимлаш тўғрисида
НИЗОМ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 1 мартдаги РС-16-19-сонли,
2019 йил 26 сентябрдаги РС-67-19-сонли, 2020 йил 3 июлдаги РС-32-20-сонли, 2021 йил
25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар
билан)*

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом иқтисодий ишлари бўйича одил судловни амалга оширувчи судларга келиб тушган даъво ариза (ариза)лар, шунингдек суд ҳужжатлари устидан берилган шикоят (протест)лар билан бирга келиб тушган ишлар (кейинги ўринларда – ишлар)ни автоматик тарзда тақсимлашни амалга ошириш тартибини белгилайди.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2020 йил 3 июлдаги РС-32-20-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган).

1.2. Иқтисодий судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартиби суд иш юритувини оптималлаштириш ва соддалаштириш, муайян ишни кўриш учун суд таркиби шакллантирилишида судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашувини ҳисобга олиш, суд таркиби шакллантирилишига суд муҳокамасининг натижасидан манфаатдор шахслар таъсир кўрсатишининг олдини олишга эришиш мақсадида жорий этилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 26 сентябрдаги РС-67-19-сонли қарори билан ўзгартириш киритилган).

1.3. “Автоматик тарзда ишларни тақсимлаш” деганда (кейинги матнда – АТИТ) биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларига келиб тушган ишларни судьялар ўртасида “Е-XSUD” ахборот тизимининг (кейинги матнда – “Е-XSUD” АТ) автоматик тарзда ишларни тақсимлаш модули (кейинги матнда – АТИТ модули)дан фойдаланган ҳолда инсон омилсиз тақсимлаш тушунилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

1.4. Қарши даъво келиб тушганда, у АТИТ Модули орқали дастлабки даъво иш юритувида бўлган судьяга автоматик равишда тақсимланади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза келиб тушганда, у АТИТ Модули орқали қайта кўрилиши сўралаётган суд қарорини қабул қилган судьяга автоматик равишда тақсимланади, агар судья ахборот тизимида актив бўлмаган тақдирда, қолган судьялар ўртасида АТИТ Модули орқали умумий қоидалар асосида автоматик тақсимланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

1.5. Мазкур Низомда биринчи инстанция суди учун назарда тутилган АТИТ тартиби ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқиш учун тақсимлашда ҳам татбиқ этилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

1.6. АТИТ Модули орқали ишларни тақсимлашни амалга оширишда суд раиси (судлов ҳайъати раиси)нинг иштирокига йўл қўйилмайди.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 1.7-банд ўз кучини йўқотган).

2. АТИТ учун асослар

2.1. Биринчи инстанция судида АТИТ учун қуйидагилар асос бўлади:
судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви;

судьяларнинг ҳудудий ихтисослашувига мувофиқ тақсимланмайдиган даъво ариза (ариза)лар реестри;

Биринчи, апелляция ва кассация инстанция судида иш куни давомида келиб тушган ишлар рўйхати АТИТ учун асос бўлади.

Олий судга келиб тушган инвестициявий низоларга ҳамда рақобатга оид ишлар бўйича АТИТ судьяларнинг ихтисослашувини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Судьяларнинг инвестициявий низоларга ҳамда рақобатга оид ишларни кўришга ихтисослашувини белгиловчи тегишли қарорга асосан девонхона мудири АТИТ Модулига судьяларнинг ихтисослашуви ҳақидаги маълумотни киритади. АТИТ жараёнида судьяларнинг бундай ихтисослашуви автоматик тарзда аниқланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

2.2. Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви деганда, суд раисининг фармойишига асосан судьяларга у ёки бу туман (шаҳар) бириктирилиши ва ушбу туман (шаҳар)дан келиб тушадиган мазкур Низомнинг 1-илоvasида санаб ўтилган ишларни кўриб чиқилиши тушунилади.

Судлар раислари келгуси календарь йилининг 1 январига қадар мазкур суд ҳудудидаги маълум бир туман (шаҳар)ларни судьяларга бириктириш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойишда у ёки бу судьянинг меҳнат таътилида, ўқишда (малака ошириш), хизмат сафарида ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлган (касаллик) даврида судьяларнинг ўзаро алмашинуви кўзда тутилган бўлиши лозим.

Суд раиси у ёки бу тумандан келиб тушаётган ишларнинг сони ва судьяларнинг иш юкламаси даражасидан келиб чиқиб, ҳудудий ихтисослашувни қайта тақсимлаш йўли билан судьяларнинг ҳудудий ихтисослашувига ўзгартириш киритишга ҳақли. Бу ҳақида алоҳида фармойиш чиқарилади.

Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви АТИТ Модулига суд раислари фармойишига асосан девонхона мудирлари томонидан киритилади.

АТИТ жараёнида судьяларнинг ихтисослашуви автоматик тарзда аниқланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

2.3. Судьяларнинг ҳудудий ихтисослашуви бўйича тақсимланмайдиган даъво ариза (ариза)лар судьялар ўртасида уларнинг АТИТ модули томонидан шахсий иш юкламаси ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади.

2.4. АТИТда судьяларнинг шахсий иш юкламаси кўрилган ишлар ва тақсимланган, лекин кўрилмаган ишлар жамланмаси бўйича белгиланади.

2.5. Судьялар иш юкламасининг ҳисоби АТИТ Модулида автоматик тарзда ҳисобланади. Бунда судьяларнинг кўрилган ҳамда қолдиқдаги ишлари уларнинг иш юкламаси ҳисобига олиниши лозим бўлган календарь кунлар сони билан белгиланади.

Умумтизимда белгиланган параметрнинг моҳияти – 365 кун (яъни, жорий сана – 365 кун).

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

3. Биринчи инстанция судида АТИТда ҳисобга олинадиган юклама ва мураккаблик коэффициентлари

3.1. Биринчи инстанция судида ишнинг ягона мураккаблик коэффициенти қўлланилади:

ишларга - 1, суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризаларга ва бошқа турдаги аризалар бўйича (ажрим ва қарорлар ижросини амалга оширишда юзага келган масалалар бўйича аризалар) - 0,1 (2-илова).

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

3.2. Биринчи инстанция судида судга келиб тушадиган ишларни автоматик тарзда тақсимланганда, судьялар учун 1 ёки 100 фоиз ягона юклама коэффициенти қўлланилади.

Судлов ҳайъати раисига унинг қўшимча иш юкламаларини ҳисобга олган ҳолда 1,6 коэффициент ёки судьянинг максимал юкламасининг 160 фоиз миқдорида юклама коэффициенти қўлланилади.

Судлов ҳайъати раисининг ўринбосари ҳамда туман (туманлараро, шаҳар) судлари раисига уларнинг қўшимча иш юкламаларини ҳисобга олган ҳолда 1,4 коэффициент ёки судьянинг максимал юкламасининг 140 фоиз миқдорида юклама коэффициенти қўлланилади.

Илк муддатга тайинланган судьяларга 1,5 ёки судьянинг максимал юкламасининг 150 фоиз миқдорида юклама коэффиценти қўлланилади, бундан вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг ҳамда Олий суднинг судьялари мустасно. Бунда ягона юклама коэффицентига қадар ҳар чоракда 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда юклама коэффиценти аста-секин ошириб борилиши инобатга олинади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

3.3. Судьяга бир кунда тақсимланадиган максимал ишлар сони, шу куни келиб тушадиган ишлар сонидан келиб чиқиб белгиланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

3.4. Қарши даъво аризаси келиб тушган тақдирда, дастлабки даъво учун ҳисобланган ишнинг мураккаблик коэффиценти ва қарши даъво аризасида билдирилган талаб бўйича қўлланиладиган мураккаблик коэффиценти қўшиб ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

3.5. Ишлар қайтарилган, қабул қилиш рад этилган, тугатилган ва кўрмасдан қолдирилган ҳолларда ишларнинг ягона мураккаблик коэффиценти 50 фоизга қисқартирилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига 3.5-банд билан тўлдирилган).

4. Апелляция ва кассация инстанцияси судида АТИТ учун ҳисобга олинувчи юклама ва мураккаблик коэффицентлари

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

4.1. Апелляция ва кассация инстанцияси судига келиб тушадиган ишлар автоматик тарзда тақсимланганда, судьялар учун 1 ёки 100 фоиз ягона юклама коэффиценти қўлланилади.

Судлов ҳайъати раисига унинг қўшимча иш юкламаларини ҳисобга олган ҳолда 1,6 коэффицент ёки судьянинг максимал юкламасининг 160 фоиз миқдорида юклама коэффиценти қўлланилади.

Судлов ҳайъати раисининг ўринбосарига унинг қўшимча иш юкламаларини ҳисобга олган ҳолда 1,4 коэффицент ёки судьянинг максимал юкламасининг 140 фоиз миқдорида юклама коэффиценти қўлланилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

4.2. Судьяга бир кунда тақсимланадиган максимал ишлар сони, шу куни келиб тушадиган ишлар сонидан келиб чиқиб белгиланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

4.3. Ишлар қайтарилган, қабул қилиш рад этилган, тугатилган ва кўрмасдан қолдирилган ҳолларда ишларнинг ягона мураккаблик коэффиценти 50 фоизга қисқартирилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 4¹-боб ўз кучини йўқотган).

5. АТИТнинг судьяларни кўриш имконияти

5.1. Ишларни автоматик тарзда тақсимлашда судьяни танлаш мумкин бўлмаган давр АТИТ Модулидаги “Судья профилининг актив бўлмаган даври” классификатори орқали расмийлаштирилади.

АТИТ модули профили актив бўлмаган судьяга ишни тақсимламайди.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

5.2. Ишларни автоматик тарзда тақсимлашда судьяни АТИТ Модулидаги “Судья профилининг актив бўлмаган даври” классификаторига киритиб қўйиш суд раисининг фақат куйидаги мазмунда чиқарилган буйруғи (фармойиши) асосида амалга оширилади:

судьяга таътил берилганда (уч кунгача бўлган муддат бундан мустасно);

хизмат сафарига ёки ўқишга юборилганда (уч кунгача бўлган муддат бундан мустасно);

судьянинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги аниқланганда (уч кунгача бўлган муддат бундан мустасно);

судьянинг ваколат муддати тугатилганда.

Мазкур буйруқ нусхаси у чиқарилган куннинг ўзида суднинг кадрлар масалалари бўйича ходими томонидан АТИТ Модулига “Судья профилининг актив бўлмаган даври” классификаторига тегишли маълумотни киритиш учун девонхона мудирига топширилади. Бунда судья профилининг актив бўлмаган даврини ҳисоблаш судьянинг таътили бошланишидан беш иш куни олдин, қолган ҳолларда эса суд раисининг тегишли буйруғи (фармойиши) чиқарилган санадан бошланади.

Судья профилининг актив бўлмаган даврининг бошидан судьяга иш тақсимлаш тўхтатилади ва судья ишга чиққан биринчи иш кунидан тикланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

5.3. Қонунда белгиланган муайян ишни кўришда такрор иштирок этиши мумкин бўлмаган ҳолларда АТИТ Модули судьяни автоматик тарзда аниқлаб, ишларни тақсимлаш жараёнидан чиқаради.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 5.4, 5.5, 5.6-бандлар ўз кучини йўқотган).

6. АТИТда ҳаракатларни амалга ошириш тартиби

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

6.1. Судга келиб тушадиган барча ишлар девонхона мудирининг томонидан “Е-XSUD” ахборот тизими орқали рўйхатга олинади. Иш куни давомида рўйхатга олинган ишлар девонхона мудирининг томонидан АТИТ Модулини ишга тушириш орқали судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

6.2. АТИТ Модули ишга туширилганда жорий ҳолатда профили актив бўлган судьялардан уларнинг ихтисослашувини инобатга олган ҳолда иш ҳажмининг энг кам юклама коэффициенти йиғиндисига эга бўлган судьяни автоматик тарзда танлайди.

Ҳайъатда кўриладиган ишлар бўйича маърузачи судьяни автоматик тарзда танлашда ҳам мазкур қоида қўлланади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

6.3. АТИТ Модули орқали судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланган ишлар судьянинг “Е-XSUD” ахборот тизимидаги шахсий кабинетига электрон шаклда келиб тушади.

АТИТ Модули ишни тегишли судьяга тақсимлаганда унинг фамилияси, исми ва шарифини кўрсатган ҳолда ишлар рўйхатини шакллантиради.

Девонхона мудирининг АТИТ Модулида шаклланган рўйхатларни босмадан чиқаради ва топширилиши лозим бўлган ишларни танланган судьяга имзо қўйдириб топширади.

Ишларни топшириш якунланганидан сўнг рўйхат суд девонхонасининг тегишли йиғмажилдига тикилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

6.4. Ишлар тақсимланган куннинг эртасидан кечиктирмасдан, агарда эртанги кун дам олиш кунларига тўғри келган тақдирда дам олиш куннинг эртасига соат 12⁰⁰ гача судьяларга топширилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

6.5. Электр энергиясидаги узилишлар сабабли ишларни АТИТ Модули асосида тақсимлаш имконияти бўлмаса, ишларни тақсимлаш электр энергияси берилгандан кейин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам кейинги кун соат 10⁰⁰ дан кечиктирмасдан амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

6.6. АТИТ натижаларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди. Ишларни фақатгина ушбу Низомда белгиланган қоидалар асосида қайтадан автоматик тарзда тақсимлаш мумкин.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 6.7, 6.8, 6.9, 6.10-бандлар ўз кучини йўқотган).

7. Ишларни қайта тақсимлаш

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

7.1. АТИТ Модули орқали автоматик тарзда тақсимланган ишлар фақат кўйидаги ҳолатлардагина судьялар ўртасида қайта тақсимланишига йўл қўйилади:

судьяга таътил берилганда (уч кунгача бўлган муддат бундан мустасно);

хизмат сафарига ёки ўқишга юборилганда (уч кунгача бўлган муддат бундан мустасно);

судьянинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги аниқланганда (уч кунгача бўлган муддат бундан мустасно);

иш юритишни судья билмайдиган тилда юритиш зарурияти вужудга келганда;

судьянинг ваколат муддати тугатилганда.

Ишларни судьялар ўртасида қайта тақсимлаш АТИТ Модули орқали автоматик тарзда амалга оширилади.

Бир нечта ишлар битта иш юритишга бирлаштирилганда ёки талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратилганда, АТИТ Модули қайта тақсимланиши лозим бўлган ишларни тегишли ажрим чиқарган судьяни автоматик тарзда танлайди.

Қайта тақсимлаш ҳақидаги ташаббус судья профилининг актив бўлмаслиги сабабини аниқлаштирувчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда судья томонидан, у йўқлигида эса суднинг кадрлар масалалари бўйича ходими томонидан киритилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

7.2. Девонхона мудири судья профили актив бўлмайдиган даврда кўрилиши лозим бўлган ишларни “Е-XSUD” ахборот тизимида белгилайди ва АТИТ Модулини ишга тушириш орқали АТИТ амалга оширади.

Ҳудудий ихтисослашув бўйича судьяларга тақсимланадиган ишларни қайта тақсимлаш, судьяларнинг ўзаро алмашинуви ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади (ушбу Низомнинг 2.1-банди).

Кейинги ҳаракатлар ушбу Низомнинг 6-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

7.3. Судьяга таътил берилганда, хизмат сафарига ёки ўқишга юборилганда, яъни судья профили актив бўлмайдиган пайтда кўрилиши лозим бўлган ишларни қайта тақсимлаш, девонхона томонидан судьяга таътил бериш, уни ўқишга ёки хизмат сафарига юбориш ҳақида буйруқ (фармойиш) нусхаси олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

Судьянинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги аниқланганлиги ёки судьянинг ваколат муддати тугатилганлиги сабабли судья профилининг актив бўлмайдиган даврида кўрилиши лозим бўлган ишларни қайта тақсимлаш шу куннинг ўзида амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

7.4. Девонхона мудирини қайта тақсимлаш амалга оширилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан судья профилининг актив бўлмаслиги сабабини аниқлаштирувчи ҳужжатларни АТИТ Модулининг “Судья профилининг актив бўлмаган даври” классификаторига бириктириши шарт.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

7.5. Иш юритишни судья билмайдиган тилда олиб бориш зарурияти вужудга келганда ишни қайта тақсимлаш ушбу судьянинг асослантилган аризасига мувофиқ амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 7.5-банд билан тўлдирилган).

8. АТИТ Модулининг ишлаш ҳолатини мониторинг қилиш

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

8.1. АТИТ Модулини аниқ ишлаши ва хатоларини аниқлаш мақсадида унинг иш ҳолати доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

8.2. АТИТ Модулининг соз ҳолатда ишлаши ахборот технологиялари бўйича масъул ходим томонидан доимий таҳлил қилинади, унинг ишлашида носозликлар аниқланган тақдирда Олий суднинг тегишли таркибий тузилмаси зудлик билан хабардор қилинади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

8.3. Суд раиси томонидан ишларни аниқ ва тўғри тақсимланишини назорат қилиш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

девонхона мудирини тақдим қиладиган АТИТ реестрини ҳар куни текшириш йўли билан;

АТИТ тақсимлаш учун судьялар юкламасини, классификаторларини тўғри тўлдирилишини ҳафталик текшириш йўли билан;

“E-XSUD” ахборот тизимининг “Солиштириш” рукнида жойлашган судьяларнинг иш ҳажми ҳақидаги статистик ҳисобот маълумотини ҳафталик текшириш йўли билан.

АТИТ бўйича судьялар юкмасида яққол номувофиклик аниқланган тақдирда, (масалан, катта миқдордаги ишлар келиб тушиши муносабати билан ишларни ҳудудий ихтисослашув бўйича судьяларга тақсимлашда) суд раиси судья (судьялар) ихтисослашувига ўзгартириш киритади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

8.4. АТИТ Модулининг ишлаш фаолияти юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлашнинг ушбу Низомда белгиланган қоидаларига риоя қилинмаслик ҳамда АТИТ Модулининг ишлаш фаолиятига ҳар қандай тарзда аралаштириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақда девонхона мудирлари зудлик билан Олий суднинг тегишли таркибий тузилмаларига хабар беради.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

8.5. Суднинг девонхона мудирлари АТИТ бўйича келиб тушган таклиф ва эътирозларни йиғади ҳамда ҳисобини юритади.

АТИТ Модули бўйича келиб тушган эътироз ва таклифларни ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

8.6. Автоматик тарзда ишларни тақсимланишини оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг буйруғи билан ишчи гуруҳи тузилади.

Ишчи гуруҳи АТИТ Модулининг иш фаолияти юзасидан келиб тушган таклиф ва эътирозларни кўриб чиқади ва ўрганади, улар натижасида ишларни аниқ тақсимланишини таъминлайдиган ягона усулни ишлаб чиқиш мақсадида АТИТ Модулига, зарур ҳолларда эса мазкур Низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 8.6-банд билан тўлдирилган).

9. Яқуний қоидалар

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

9.1. Бир ёки бир неча бирлаштирилган талаблар алоҳида иш юритишга ажратилганда, девонхона мудирлари томонидан “E-XSUD” ахборот тизимига бу ҳақдаги ёзув киритилиши билан алоҳида иш юритувга ажратилган иш тегишли ажримни чиқарган судьяга АТИТ Модули томонидан автоматик равишда танлаб қўйилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

9.2. Айни бир шахслар иштирок этаётган ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта ишлар битта иш юритувга бирлаштирилганда, иш юритувидаги ишни бошқа ишга бирлаштирган судья “Е-XSUD” ахборот тизимида бу ҳақда тегишли натижа киритади ва шу ахборот тизими орқали бирлаштирилаётган ишни автоматик танлаш йўли билан ишларни битта иш юритувга бирлаштириш тўғрисидаги ажримни чиқарган судьяга ўтказилади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарори билан ўзгартирилган).

9.3. Ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлашнинг ушбу Низомда белгиланган тартибига қатъий равишда амал қилиниши лозим ва АТИТ Модулининг ишлаш фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди.

Низом қоидаларига риоя этмаслик ўрнатилган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 25 мартдаги РС-15-21-сонли қарорига асосан 9.3-банд билан тўлдирилган).